

## Ўзбекистон ва Фурқат туманларида чорвачилик кластерлари ташкил этилади

“Чорвачиликда идентификация қилиш тизими ва наслчилик соҳасини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори [қабул қилинди](#).

Қарор билан, Республика бўйича 25 та туманда, шу жумладан, Ўзбекистон ва Фурқат туманларида қўйидаги йўналишларни ўз ичига олган чорвачилик кластерлари ташкил этилади:

гўшт ва сут маҳсулотларини етиштириш, шунингдек, аҳолидан йиғиб олиш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот шаклида реализация қилиш;

тайёр озуқа ем маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни аҳолига қулай бўлган худудларда сотиш шохобчаларини ташкил этиш;

аҳоли хонадонларига маҳсулдор наслли молларни етказиб бериш;

чорва молларини сўйиш күшхоналари, териларни қабул қилиш ва қайта ишлаш қувватларини ишга тушириш;

терини қайта ишловчи корхоналар билан биргаликда кооперация асосида теридан тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

Шунга кўра, ташкил этиладиган чорвачилик кластерларига:

Халқаро тараққиёт уюшмаси ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида “Чорвачилик соҳасини ривожлантириш (2-босқич)” лойиҳаси доирасида жалб қилинган ресурслар ҳисобидан 60 миллион доллар миқдорида кредитлар ажратилади;

пахта ва ғалла экин майдонларини қисқартириш ҳисобига ҳар бир туманда камида 100-150 гектар майдон озуқабоп экинлар экиш учун ажратилади.

2023-08-26 20:10:36